

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲОЖИЕВ ХУРШИД ҲАМИДОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ФИЗИОТЕРАПИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН
ҲОЛДА СУРУНКАЛИ АПИКАЛ ПЕРИОДОНТИТНИ ЭНДОДОНТИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ҳожиёв Хуршид Ҳамидович

Замонавий физиотерапия усулларида фойдаланган
ҳолда сурункали апикал периодонтитни эндодонтик
даволашни такомиллаштириш..... 5

Ҳожиёв Хуршид Ҳамидович

Совершенствование эндодонтического лечения
хронического верхушечного периодонтита с применением
современных физиотерапевтических методов..... 27

Hojiyev Khurshid Hamidovich

Improvement of endodontic treatment of chronic apical
periodontitis using modern physiotherapeutic methods..... 50

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 55

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲОЖИЕВ ХУРШИД ҲАМИДОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ФИЗИОТЕРАПИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН
ҲОЛДА СУРУНКАЛИ АПИКАЛ ПЕРИОДОНТИТНИ ЭНДОДОНТИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.4.PhD/Tib2288 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Хабибова Назира Насуллоевна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар	Шукурова Умида Абдурасуловна тиббиёт фанлари доктори Боймуродов Шухрат Абдужалилович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Санкт-Петербург давлат Университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Стоматологик касалликлар орасида сурункали апикал периодонтит тишлар кариесининг энг кўп учрайдиган асорати ҳисобланиб, 34-47 ёшли беморлар гуруҳида 50% гача мурожаатларни ташкил қилади. 50 ёшдан катта инсонларнинг периодонт туқимасидаги яллиғланиш жараёни 50% дан ортиқ ҳолатларда тишлар олиб ташланишига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда олдинроқ резорцин-формалин ва рухоксидэвгенол пасталардан фойдаланиб олиб борилган эндодонтик даволашдан кейин тишлар рентгенологик текширилганида 80% ҳолатда периапикал деструктив ўзгаришлар ва 50% ҳолатда – сифатсиз пломбаланган илдиз каналлари ҳолати аниқланган. Илдиз каналларини “бир паста билан” пломбалаш усули ҳамда ўтиш қийин бўлган илдиз каналларида резорцин-формалин усули уларнинг сифатли obturациясини кафолатламайди ва сурункали инфекциянинг периапикал ўчоқлари ривожланишига олиб келиши мумкин. Бу «...микроб контаминацияси ҳамда улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг атрофдаги туқималарга таъсирини олдини олиш имконини берувчи сифатли эндодонтик даволашнинг муҳимлигини кўрсатади...»¹.

Дунё миқёсида олиб борилган илмий изланишларга асосан, сурункали апикал периодонтитни даволашда янги замонавий усуллардан фойдаланиш орқали самарали натижаларга эришиб келинмоқда. Клиник амалиётда қўлланилиб келинаётган янги технологилар ва усуллар тиш атрофи туқималаридаги деструктив жараёнларнинг яхшиланишига, тўлиқ функционал реабилитацияси амалга оширилишига сабаб бўлади. Бу борада қўлланилиб келинаётган клинко-функционал аппарат ҳамда илдиз каналларига ишлов беришнинг замонавий усулларини такомиллаштиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Апикал периодонтитларни турли клиник шакллари билан касалланган беморларни комплекс даволаш механизмларини асослаш, даволашда янги физиотерапевтик усулларни қўллаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тимзимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, беморларда сурункали апикал периодонтитни эрта ташхислаш ва комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар замонавий

¹Куратов И. А., Нагаева М. О. Клинико-рентгенологическая оценка эффективности лечения апикального периодонтита с применением авторской методики вакуумно-струйной ирригации корневых каналов //Проблемы стоматологии. – 2016. – №. 1. – С. 31-38.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда сурункали апикал периодонтитни эндодонтик даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда даволаш самарадорлигини асослаш замонавий стоматологиянинг долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра тишлар кариеси асоратлари – пулпит ҳамда периодонтитнинг тарқалганлигик даражаси анча юқори ва 93,2% гача етади. Периодонтитни даволаш апикал соҳада тиш бўшлиғини очиш ва кенгайтириш, механик ишлов бериш, илдиз каналига антисептик ишлов бериш ва унинг obturацияси йўли билан яллиғланишни бартараф этишдан иборат (Абдулхакова Н. Ш., 2022). Тиббиёт муассасаларига ташриф буюриш частотаси бўйича САП тиш кариесидан, шунингдек пулпитдан кейин учинчи ўринда туради (Тарасенко С.В., 2015; Севбитов А.В., 2016; Тарасенко С.В., 2016; Шайимбетова А.Р., 2017). Терапевтик стоматология булимига мурожаат қилганлар орасда САП нинг турли шакллари билан огриган беморлар 30-40% ни ташкил этади (Радышевская Т.Н., 2016; Тарасенко С.В., 2016; N.N. Dessaune., 2018).

Попова И.И. ишида. илдиз каналларини пломбалаш сифати атиги 71,2% ни ташкил этиши, бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра, рентген назорати 69,4% ҳолларда амалга оширилиши кўрсатилган (Шамсиев Р.А., 2018; Азаматович С.Р., 2019). Ўзбекистонда САП бир қатор усулларда даволанади ва 14% ҳолатда сурункали инфекция ўчоқларининг манбаи илдиз канали пломбаланмаган тишлар ва 76,4% ҳолатда - каналлари қисман пломбаланган тишлар ҳисобланиши аниқланган (Боймуродов Ш.А., 2014). Олдинроқ резорцин-формалин ҳамда рухоксидэвгенол пастадан фойдаланиб олиб борилган эндодонтик даволашдан кейин ўтказилган рентгенологик текширувда 80% ҳолатда периапикал деструктив ўзгаришлар ва 50% ҳолатда - сифатсиз пломбаланган илдиз каналлари аниқланди (Камилов Х.П., 2010; Шамсиев Р.А., 2016). Попова И.И. ишида. илдиз каналларини пломбалаш сифати атиги 71,2% ни ташкил этиши, бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра, рентген назорати 69,4% ҳолларда амалга оширилиши

кўрсатилган (Шамсиев Р.А., 2018; Азаматович С.Р., 2019).. Энг арзон ва аксарият стоматологик тиббиёт ташкилотларида илдиз каналлари учун 73,4% қўлланадиган пломба материаллари рухоксидэвгенол ҳамда резорцин-формалин паста ҳисобланади (Камилов Х.П., 2018; Юсупов С.С., 2017). Бир паста билан илдиз каналларини пломбалаш усуллари ҳамда ўтиш қийин бўлган илдиз каналларида резорцин-формалин усулининг қўлланиши уларнинг сифатли obturациясини кафолатламайди ва сурункали инфекциянинг периапикал ўчоқлари ривожланишига олиб келиши мумкин (Зойиров Т.Э., 2016; Юсупалиева Д.Б., 2019]. Бу микроб контаминацияси ҳамда улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг ўраб турган тўқималарга таъсирини олдини олиш имконини берувчи сифатли эндодонтик даволашнинг аҳамиятига урғу беради (Зойиров Т.Э., 2016). Клиник қўллаш тажрибаси шуни кўрсатдики, илдиз каналларини кечиктириб пломбалаш усули сурункали апикал периодонтитни консерватив даволашда стоматологнинг имкониятларини анча кенгайтиради, эндодонтик даволашни хавфсизроқ қилади ҳамда натижасини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2019 PhD 042) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурункали апикал периодонтитни флюктуоризация усули билан апекс-форездан алоҳида ва уйғунликда фойдаланиб эндодонтик даволашни такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро шаҳрида яшовчи 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган шахсларда гранулематоз ва грануляцияланувчи шаклдаги сурункали апикал периодонтитнинг тарқалишини баҳолаш;

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шаклларида алоҳида ва уйғунлашган апекс-форез ҳамда флюктуоризация усули қўлланишининг микробиологик самарадорлигини аниқлаш;

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шаклларида алоҳида ва уйғунлашган апекс-форез ҳамда флюктуоризация усули қўлланишидан олдин ва кейин клиник-рентгенологик тадқиқотлар натижаларини баҳолаш;

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шаклларида уйғунлашган апекс-форез ҳамда флюктуоризация усулини қўллаш орқали стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув-илмий-амалий марказида 2019-2021 йиллар даврида текширилган 120 нафар беморлардан сурункали апикал периодонтитнинг грануляцияланувчи ва гранулематоз шаклларига эга 81 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали апикал периодонтитнинг грануляцияланувчи ва гранулематоз шакллари бўлган беморлар У-043 стоматологик картаси, илдиз каналдан олинган намуна, рентген маълумотлари, ЭОД маълумотлари, микроб пейзажини аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун стоматологик, рентгенологик, бактериологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари кумуш-мис ўтказгичдан фойдаланиб апекс-форез усули ҳамда флюктуоризация усулини уйғунликда қўллаб комплекс эндодонтик даволашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари анъанавий даволаш усуллари билан таққослаганда келтирилган усулларни алоҳида қўлланишининг юқори антибактерияли ва яллиғланишга қарши самарадорлиги аниқланди, шунингдек - улар уйғунликда қўлланганида юқори самарадорлик қайд этилган. Касаллик асоратлари сони ҳамда периапикал соҳада суяк тўқимаси регенерация жараёнининг умумий сонини баҳолаш асосида апекс-форез флюктуоризация усули билан уйғунликда қўлланилганда эндодонтик даволашнинг периодонтитни анъанавий даволаш самарадорлигига таъсири белгиланган;

кумуш-мис ўтказгичдан фойдаланиб апекс-форез усули ҳамда флюктуоризация усулини қўллаб сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари комплекс эндодонтик даволашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган. Апекс-форез ва флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари комплекс эндодонтик даволашнинг уникал схемаси ишлаб чиқилиб шифокор тактикаси асослаб берилган;

таклиф этилаётган сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари даволашнинг такомиллаштирилган усули даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тиш каналини пломбалашдан сўнг яқин вақт ичида асоратлар сонини камайтириш ҳамда узоқ муддатларда ижобий клиник-рентгенологик натижалар олиш имконини берган. Апекс-форез ва флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида САП нинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари консерватив эндодонтик даволаш самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари кумуш-мис ўтказгичдан фойдаланиб апекс-форез усули ҳамда флюктуоризация усулини уйғунликда қўллаб комплекс эндодонтик даволашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган.

апекс-форез ва флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шакллари комплекс эндодонтик даволашни қўллашнинг уникал схемаси ишлаб чиқилди ва шифокор тактикаси асослаб берилган.

сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шакллари даволашнинг такомиллаштирилган усули даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, илдиз канални пломбалашдан сўнг яқин вақт ичида асоратлар сонини камайтириш ҳамда узок муддатларда ижобий клиник-рентгенологик натижалар олинган;

апекс-форез ва флюктуоризация усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида САП нинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шакллари консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини ошириши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи стоматологик, бактериологик, рентгенологик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материалдан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар маълумотлари бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, сурункали апикал периодонтитда РАІ индекси деструктив жараёнларининг патогенетик механизмларини баҳолаш ҳамда даволашда апекс-форез ва флюктуоризация усуларининг уйғунликда қўлланилиши илдиз каналлари ва периапикал соҳага юқори антибактериал фаоллиги кўрсаткичларининг комплекс физиотерапевтик даволаш усуларининг мақсадга мувофиқлигини исботланишидан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, сурункали апикал периодонтит мавжуд беморларда периапикал соҳа тўқималарида шаклланган деструктив ўзгаришлар, илдиз канали ва периапикал соҳа микроб контаминацияси ҳамда улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг ўраб турган тўқималарга таъсирини олдини олиш имконини берувчи уйғунликда қўлланилган замонавий физиотерапевтик апекс-форез ва флюктуоризация усуларининг комплекс даволаш усулини тавсия этилишидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий янгиликнинг моҳияти сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари кумуш-мис ўтказгичидан фойдаланиб апекс-форез усули ҳамда флюктуоризация усули уйғунликда қўллаб комплекс эндодонтик даволашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасида тишлар илдиз каналига ўтиш қийин бўлган, сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари бўлган

беморларда периодонт тўқималарининг микроблар билан уруғланиш ҳамда клиник-рентгенологик ҳолатига кумуш-мис ўтказгичдан фойдаланиб апекс-форезнинг ҳам алоҳида, ҳам флюктуоризация усули билан уйғунликдаги таъсири ҳақида янги маълумотлар олинганлиги аниқланган;

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Жондор туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (05.10.2021 й.; № 22/7) ҳамда, Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.10.2021 й.; № 27/6) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали апикал периодонтитни физиотерапевтик усуллардан фойдаланиб эндодонтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат 1 нафар бемор учун сурункали апикал периодонтитни ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланган.

Хулоса янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши «Замонавий физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда сурункали апикал периодонтитларни эндодонтик даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022-йил 14 мартда NV75706154-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари анъанавий даволаш усуллари билан таққослаганда келтирилган усулларни алоҳида қўлланишининг юқори антибактерияли ва яллиғланишга қарши самарадорлиги аниқланди, шунингдек - улар уйғунликда қўлланганида юқори самарадорлик қайд этилган. Касаллик асоратлари сони ҳамда периапикал соҳада суюқ тўқимаси

регенерация жараёнининг умумий сонини баҳолаш асосида апекс-форез флюктуоризация усули билан уйғунликда қўлланилганда эндодонтик даволашнинг периодонтитни анъанавий даволаш самарадорлигига таъсири белгиланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти апекс-форез флюктуоризация усули уйғунликда қўлланилганда сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари комплекс эндодонтик даволашнинг уникал схемаси ишлаб чиқилган ва шифокор тактикаси асосланган;

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.09.2021 й.; № 27/7) ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (30.09.2021 й.; № 24/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали апикал периодонтитни физиотерапевтик усуллардан фойдаланиб эндодонтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш ва даволаш ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори – 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўм. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланган.

Хулоса янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши «Замонавий физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда сурункали апикал периодонтитларни эндодонтик даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022-йил 14 мартда NV75706154-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти кумуш-мис ўтказгичидан фойдаланиб апекс-форез усули ҳамда флюктуоризация усулини қўллаб сурункали апикал

периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари комплекс эндодонтик даволашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган. Апекс-форез ва флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари комплекс эндодонтик даволашнинг уникал схемаси ишлаб чиқиб ва шифокор тактикаси асослаб берилган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари даволашнинг такомиллаштирилган усули даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тиш каналлини пломбалашдан сўнг яқин вақт ичида асоратлар сонини камайтириш ҳамда узоқ муддатларда ижобий клиник-рентгенологик натижалар олиш имконини берган;

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Жондор туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (05.10.2021 й.; № 22/7) ҳамда, Пешку туман тиббиёт бирлашмасига қарашли стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (15.10.2022 й.; № 27/6) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали апикал периодонтитни физиотерапевтик усуллардан фойдаланиб эндодонтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори – 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланди.

Хулоса янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши «Замонавий физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда сурункали апикал периодонтитларни эндодонтик даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар

ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022-йил 14 мартда NV75706154-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти таклиф этилаётган сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари даволашнинг такомиллаштирилган усули даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тиш каналлини пломбалашдан сўнг яқин вақт ичида асоратлар сонини камайтириш ҳамда узоқ муддатларда ижобий клиник-рентгенологик натижалар олиш имконини берган. Апекс-форез ва флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида САП нинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари консерватив эндодонтик даволаш самарадорлиги исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти апекс-форез ва флюктуоризация усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида САП нинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини оширишга эришилган;

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.09.2021 й.; № 27/7) ҳамда Гиждувон туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (30.09.2021 й.; № 24/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: сурункали апикал периодонтитни физиотерапевтик усуллардан фойдаланиб эндодонтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат 1 нафар бемор учун сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг куйидагича иқтисод бўлишига олиб келди: сурункали апикал периодонтит кузатилган турли ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори – 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланди.

Хулоса янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши «Замонавий физиотерапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда сурункали апикал

периодонтитларни эндодонтик даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022-йил 14 мартда NV75706154-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуман ва симпозиумларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг вазифалари, объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича материаллар, ишни апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши берилган.

Диссертациянинг биринчи «**Сурункали апикал периодонтитни эндодонтик даволашга оид замонавий қарашлар**» деб номланган бобида муаммонинг долзарблигига асосланган сурункали апикал периодонтит ривожланишининг этиологияси ва патогенези масалалари, касаллик шаклланишида микрофлора ва унинг ўрни, касаллик диагностикаси ва даволашда рентгенологик текширув усуллари, касалликни даволашда замонавий эндодонтик муаммо ва ечимларига оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар илмий манбалари асосида таҳлил қилинган ҳамда хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг иккинчи «**Сурункали апикал периодонтитни эндодонтик даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи ҳамда тадқиқот усуллари батафсил ёритилган.

Тадқиқотда қўйилган вазифаларни бажариш учун Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув-илмий-амалий марказига 2019-2021-йиллар оралиғида мурожаат қилган ҳамда периодонт тўқималарида

яллиғланиш кузатилган 120 нафар бемор тадқиқотга жалб қилинган. Текширилган 120 нафар бемордан 18 дан 55 ёшгача бўлган 81 (67,5%) нафар беморда сурункали апикал периодонтитнинг грануляцияланувчи ва гранулематоз шакллари қайд этилган (108 та кўп илдизли тишларда). 81 нафар бемордан 31 (38,3%) нафарини эркаклар ва 50 (61,7%) нафарини аёллар ташкил этган.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар олиб борилган даво турига кўра 4 гуруҳга ажратилган: Биринчи гуруҳ (n=14) беморларининг тишлари анъанавий усулда даволанган. Бунда тиш каналларининг эндодонтик ишлови Crown-Down усули бўйича олиб борилиб, каналлар 1% ли хлорамин ҳамда 2% ли натрий гипохлорид эритмалари билан антисептик ишлов берилган.

Иккинчи гуруҳ (n=15) беморларининг тишлари анъанавий усулга қўшимча “Original II” (Германия) аппарати ёрдамида депофорез билан даволанган. Мис-калций гидроксиди депофорезини ўтказиш усулида дастлаб кариоз бўшлиқ некроэктомия қилинган, тиш бўшлиғи очилиб илдиз каналларига механик ва медикаментоз ишлов берилган. Етарли самарадорликка ва турғун таъсирга эришиш учун 8-14 кун интервал билан учта депофорез сеанси қўлланилган.

Учинчи гуруҳ (n=19) беморларига анъанавий усулга қўшимча апекс-форез қўлланилган. Бунда тефлон билан ҳимояланган кумуш-мис электродидан фойдаланилган бўлиб, олдиндан кенгайтирилган (илдиз узунлигининг 2/3 – 1/2 қисми, файлнинг 25 ўлчамигача), физиологик эритма билан намланган илдиз каналига киритилиб қўлланилган.

Тўртинчи гуруҳ (n=33) беморларининг тишларида илдиз каналлар анъанавий ускунавий ва дори-дармон билан қайта ишланганидан кейин 7 кун ўтиб кумуш-мис ўтказгичи билан апекс-форез ва флюктуоризация усули сеанси ўтказилган.

Барча беморларда қўлланилаётган эндодонтик даволаш туридан қатъий назар икки марта – даволаш курсидан олдин ва кейин илдиз каналларининг микрофлораси ўрганилган. Бунинг учун стерил қоғоз абсорбер ёрдамида тишнинг илдиз каналидан материал олиниб, транспортировка учун Эймс яримсуяқ озуқа муҳитига жойлаштирилган. Анаэроб шароитларда облигат- ва факультатив-анаэроб бактерияларнинг тоза културалари «Difco» фирмасининг 5% гемагаридан фойдаланиб, гемин (5 мг/л) ва менадион (0,1 мг/л) қўшиб, экинларни анаэроостатларга жойлаштирилиб олинди. Кислород қолдиқларининг редукцияси учун палладиев катализатори қўлланган. Тоза култураларни биокимёвий идентификацияси АПИ (Франция) ва “Roche” (Германия) фирмаларининг тест-тизимлари ёрдамида ажратилган. Натижалар 37°C анаэроостатда Петри чашкаларида 7 кун инкубациядан сўнг рўйхатга олинган. Микробиологик тадқиқотлар Бухоро шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик марказида олиб борилган.


Периодонт ёриғи ва периапикал соҳа ҳолатини ўрганиш мақсадида рентгенологик тадқиқот ўтказилган ва илдиз каналлари кириш соҳасида электроодонтодиагностика (ЭОД) олиб борилган.

Олиб борилаётган даволаш самарадорлиги ҳамда динамикасини аниқлаш учун, даволаш бошлангандан кейин 6 ва 12 ой муддатда, у такрорий рентгенологик тадқиқотлар билан назорат қилинган. Рентгенологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва таққослаш учун D.Qrstavik et al. (1986) томонидан таклиф қилинган ва А.М. Соловьева (1999) томонидан модификацияланган РАІ периапикал индексидан фойдаланилган.

Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларидан фойдаланиб статистик қайта ишланган. Дастлабки ахборотларнинг тўпланиши, тузатилиши, тизимлаштирилиши ва олинган натижаларнинг визуализацияси Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 (ишлаб чиқарувчи - IBM Corporation) дастуридан фойдаланиб олиб борилган.

Диссертациянинг учинчи «**Сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияловчи шакллари**ни эндодонтик даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда илмий асослаш» бобида микробиологик тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Олиб борилган микробиологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, турли даволаш усулларини бошлашдан аввал тишларнинг илдиз каналларидан олинган материалда облигат- ва факультатив-анаэроб бактериялар кўринишидаги микроб пейзажи аниқланган. Ўрганилаётган материалда энг кўп стрептококклар ва стафилококклар аниқланган: Str.sanguis – 52% беморларда, Str.mutans – 68% беморларда, Str.salivarius – 52%, St.epidermidis – 41% беморларда. Бундан ташқари, 38% беморларнинг илдиз каналларида Peptostreptococcus anaerobius, 12% да - Clostridium spp, 14% да Candida albicans турдаги замбуруғлар аниқланган. Ўрганилаётган гуруҳларда даволашдан олдин облигат- ва факультатив-анаэроб бактериялар кўринишида микроб пейзажининг беморларда учраш кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган.




1-расм. Тадқиқот гуруҳларида даволашдан олдин облигат- ва факультатив-анаэроб бактериялар кўринишида микроб пейзажи (%).

Даволашдан олдин тишларнинг илдиз каналидан олинган анаэроб бактерия штаммларини ўрганиш шуни кўрсатдики, сурункали апикал периодонтитни анъанавий терапия билан даволашда факультатив-анаэроб бактерияларнинг барча штаммларида ўсишдан кечикиш соҳалари 5,1 (3,7-5,0 мм) мм дан кам қисмни ташкил этган. Мис-калций гидроксиди билан

депофорезда, ток кучи 1,5 мА х дақиқа қўланганида - 4,9 (3,5-4,8 мм). Антибактериал фаолликни баҳолашнинг мавжуд мезонларига мувофиқ тест-културалар ўсиши тормозлашининг бундай қийматлари анъанавий даволаш ҳамда 1,5 мА х дақиқа дозада депофорезнинг заиф антибактериал таъсири сифатида баҳоланиши мумкин. Депофорез вақтида электр токининг миқдори 2,5 мА х дақиқани ташкил этган ҳолатларда ўсишда кечикиш соҳаларининг диаметри мўтадил ифодаланган антибактериал таъсирга мос бўлган (ўсишдан кечикиш соҳалари - 6,8-9,3 мм). Энг кўп ифодаланган антибактериал таъсир депофорез дозаси 5 мА х дақиқага тенглашган ҳолатларда юзага келган. Ўрганилаётган барча бактерия колониялари ўсишда кечикиш соҳаларининг диаметри 15,1 мм (15,1-21,8 мм) дан ортиқ бўлган. Шундан келиб чиқиб, депофорезнинг антибактериал таъсир кўрсатувчи оптимал дозалари 2,5 – 5 мА х дақиқани ташкил этиши белгиланган.

Сурункали апикал периодонтитни кумуш-мис электродидан фойдаланиб апекс-форез усулида даволаш вақтида ўрганилаётган факультатив-анаэроб бактерияларни барча штаммларининг ўсишда кечикиш соҳаси 1,5 мА х дақиқа дозада 5,1 мм (3,9-5,0 мм) га тенг бўлган, ушбу дозадаги апекс-форезнинг заиф антибактериал таъсири сифатида баҳоланган.

Муолажа вақтида ток кучи 2,5 мА х дақиқача оширилганида ўсишда кечикиш соҳаларининг диаметри 8,6-9,6 мм ни ташкил этган, бу мўтадил ифодаланган антибактериал таъсирга мос келади. Энг кўп ифодаланган антибактериал таъсир апекс-форезнинг 5 мА х дақиқа дозасида аниқланган, яъни ўрганилаётган бактериялар колониясида ўсишда кечикиш соҳаларининг диаметри 15,4 мм дан ортиқни (15,4-22,4 мм) ташкил қилган (2-расм).




2-расм. Муолажа дозаси 5 мА х дақиқа бўлганида қўлланаётган эндодонтик даволаш турига боғлиқ равишда анаэроб бактерия колонияларини ўсишда кечикиш соҳаларининг диаметри (мм)

Шундай қилиб, антибактериал таъсир кўрсатувчи апекс-форезнинг оптимал дозаси шунингдек 2,5-5 мА х дақиқа саналади.

Сурункали апикал периодонтитни апекс-форез ва флюктуоризация усулини қўллаб уйғунликда эндодонт даволаш ҳолатида уларни алоҳида қўллаган ҳолат билан таққослаганда, янада кўп ифодаланган антибактериал таъсири кузатилган. Шундай қилиб, апекс-форез ва флюктуоризация

усулларини уйғунликда қўллаганда ўрганилаётган анаэроб бактерия штаммларини ўсишдан кечикиш соҳаларининг диаметри ўртача 20,4 мм (17,8-24,5 мм) га тенг бўлган, бу анъанавий даволашда олинадиган натижадан 4,8 марта юқори антибактериял таъсирдан далолат беради. Бу депофорез билан таққослаганда 1,6 мартага (мос равишда 12,8 мм) ва апекс-форез билан таққослаганда 1,5 мартага кўп (мос равишда 13,2 мм).

Шундай қилиб, кумуш-мис электроди билан апекс-форез ва флюктуоризация усулини уйғунликда қўллаб сурункали апикал периодонтитни уйғунликда эндодонтик даволаш ушбу усулларни даволашда алоҳида қўллаш билан солиштирилганида, энг кўп ифодаланган антибактериял таъсирга эга (3-расм).



3-расм. Эндодонтик даволаш турига қараб ўрганилаётган анаэроб бактериялар колонияларининг ўсишини кечиктирувчи зона ўртача диаметри (мм, 1,5 ; 2,5 ва 5 мА^хмин лардаги).

Айтиб ўтиш жоизки, тишнинг илдиз каналларида фақат бир шаклдаги бактерия текширилган 81 нафар сурункали грануляцияловчи периодонтит мавжуд бўлган бемордан фақат 6 нафарида (7,4%) аниқланган, аксарият ҳолатларда (92,6%) микробларнинг 2 тадан 6 тагача турини ўз ичига олувчи, кўзгатувчиларнинг ассоциациялари қайд этилган. Шундай қилиб, сурункали грануляцияланувчи периодонтит мавжуд беморлардан олинган материалдан микрофлоранинг энг катта спектри ажратилган, сурункали гранулематоз периодонтит мавжуд беморларда эса моноинфекция умуман учрамаган. Касалликнинг барча шаклларида беморларда даволашдан олдин Streptococcus ва Candida турдаги замбуруғлар аниқланган, бунда ассоциациялар таркибида стрептококк микрофлора устунлик қилган.

Тиш илдиз каналларида эндодонтик даволашнинг турли усуллари билан муолажа олиб боришдан аввал микрофлоранинг миқдор ва сифат таркиби бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сурункали апикал периодонтит билан оғриган беморларда турли усуллар билан даволашдан олдин ва кейин тиш илдиз каналларининг бактериал ифлосланиши (Lg КХҚБ/мл)

Микроорганизм штаммлари	Анъанавий даволаш		Депофорез		Апекс-форез		Апекс-форез+ флюкторизация усули	
	Даволаш дан олдин	Даволашдан кейин	Даволаш дан олдин	Даволаш дан кейин	Даволаш дан олдин	Даволаш дан кейин	Даволаш дан олдин	Даволаш дан кейин
<i>St.epidermidis</i>	9,2±0,38	6,3±0,28*	9,1±0,40	4,2±0,12*	9,3±0,44	3,2±0,14*	9,2±0,37	0,0±0,00*
<i>Str.sanguis</i>	10,4±0,39	7,4±0,23*	9,8±0,34	5,4±0,13*	10,1±0,39	4,1±0,11*	11,2±0,46	0,0±0,00*
<i>Str.mutans</i>	12,3±0,49	10,4±0,34**	11,8±0,52	6,3±0,29*	12,1±0,57	3,8±0,18*	12,4±0,52	2,1±0,08*
<i>Str.salivarius</i>	11,2±0,46	9,7±0,34***	10,9±0,45	5,8±0,23*	11,4±0,42	3,7±0,13*	11,5±0,46	1,9±0,06*
<i>Peptostreptococcus anairobis</i>	8,2±0,25	6,6±0,22*	8,4±0,26	3,7±0,13*	8,6±0,27	2,1±0,07*	8,6±0,34	0,0±0,00*
<i>Clostridium spp.</i>	7,8±0,23	5,2±0,25*	7,6±0,25	2,8±0,13*	7,5±0,28	1,9±0,08*	7,7±0,22	0,0±0,00*
<i>Candida albicans</i>	8,6±0,21	5,8±0,19*	8,4±0,24	3,7±0,15*	8,5±0,42	2,1±0,09*	8,8±0,22	0,0±0,00*

Изоҳ: даволашдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ишончли (* - P<0,001; ** - P<0,01; *** - P<0,05).

Эндодонтик муолажа ўтказишнинг хилма-хил турлари билан терапия ўтказилганидан сўнг тишлар илдиз каналида микрофлоранинг миқдор ва сифат таркиби бўйича маълумотлар таққосланганида қўлланган даволаш турига боғлиқ равишда микрофлора миқдорининг сезиларли даражада камайиши кузатилган (1-жадвал). Сурункали апикал периодонтит аниқланган, анъанавий усулида даволанган беморларда илдиз каналнинг ифлосланиши, гарчи камайиш тенденциясига эга бўлсада, бироқ аксарият ҳолатларда у ишончли фарқни юзага келтирмаган (P>0,05).

Мис-калций гидроксиди билан илдиз канали депофорези қўлланганида даволаш курсидан кейин микрофлора миқдори 7,6-9,8 Lg КОЕ/мл дан 2,8-6,3 Lg КОЕ/мл гача камайган, яъни деярли 2 баробар. Бунда тўлиқ деконтаминация (микроблар ўсиши кузатилмаган) 57,8% ҳолатда қайд этилган, қолган ҳолатларда – ифлосланиш ишончли (P<0,05-0,01) камайган.

Кумуш-мис ўтказгичини қўллаб апекс-форез билан тишларнинг эндодонтик даволаниши барча турдаги микрофлоранинг 7,5-12,1 Lg КОЕ/мл дан 1,9-4,1 Lg КОЕ/мл гача 3,3 баробар (P<0,05-0,01) ишончли камайиши аниқланган, айниқса бу *Str.sanguis*, *Str.mutans*, *Str.salivarius* ва *Clostridium spp.* га (1-жадвал) нисбатан яққол камайган. Тўлиқ деконтаминация 66,8% беморларда кузатилган. Бундан англашиладики, сурункали апикал периодонтитни апекс-форезни қўллаб даволаш илдиз каналининг депофорезига қараганда, 1,3 марта кўпроқ антебактериял таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар периодонтитда энг кўп учрайдиган, шунингдек антимикроб таъсирларга энг чидамли факултатив-анаэроб микроблар муносабатида кумуш-мис ўтказгичли апекс-форез ва

флюктуоризация усули билан уйғунликда даволаш усулининг антибактериял самарадорлиги энг кўп (1,5-2,5 марта кўпроқ) таъсирга эгалиги исботланган.

Тадқиқотга жалб қилинган сурункали апикал пеириодонтитнинг грануляцияланувчи ва гранулематоз (108 та кўп илдизли тишларда) шакллари мавжуд 81 нафар бемордан 31 (38,3%) нафарини эркаклар ва 50 (61,7%) нафарини аёллар ташкил этган. 31 нафар эркакдан 17 (54,8%) нафарида грануляцияланувчи периодонтит (26 та кўп илдизли тишларда) ва 14 (45,2%) нафарида гранулематоз периодонтит (26 та кўп илдизли тишларда) қайд этилган. 50 нафар аёлдан 28 (56%) нафарида грануляцияланувчи периодонтит (28 та кўп илдизли тишларда) ва 22 (44%) нафарида гранулематоз периодонтит (28 та кўп илдизли тишларда) аниқланган.

Терапиянинг хилма-хил турларидан фойдаланиб сурункали апикал периодонтитнинг гранулематоз ва грануляцияланувчи шакллари даволаш натижалари таҳлилида, анъанавий даволанган 14 нафар бемордан 6 (28,5%) нафар беморда 7-14-куни даволанган тиш соҳасида оғриқ хисси ва милк гиперемияси кўринишидаги асоратлар кузатилган. Илдиз канали депофорези қўлланганида эса шунга ўхшаш асоратлар 15 нафар ҳам эркак, ҳам аёл беморлардан 2 нафар (13,3%) беморда қайд этилган, апекс-форезда 19 нафар бемордан – 1 нафар (5,2%) беморда, апекс-форез ҳамда флюктуоризация усули уйғунликда қўлланганида 33 нафар беморда асоратлар умуман аниқланмаган.

Тадқиқотга жалб қилинган барча беморларда дентал радиовизиография қўлланган, бунда периапикал соҳа тасвирларида РАІ кўрсаткичлари, деструкциянинг турли шакл ва ўлчамлари, илдиз каналларини ўтиш ва эгрилик даражаси баҳоланган.



Даволашгача



Даволашдан 6 ой кейин



Даволашдан 12 ой кейин

4-расм. Бемор С., 30 ёш 4.6-тишда грануляцияланувчи САП ташхиси билан анъанавий усулда даволанган.

Шундай қилиб, 6 ва 12 ойдан кейин такрорий рентгенологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, анъанавий даволашда ижобий рентгенологик тасвирлар сони тадқиқотдан кейин 6-ойда 6 (28,5%) ҳолатни ва 12 ойдан кейин 4 (19%) ҳолатни ташкил этган.

5-расмда САП ташхиси билан депофорез усулида даволанган беморнинг рентгенологик текширув натижаларининг даволашгача ҳамда даволашдан кейинги 6 ва 12 ойдан кейинги ҳолати келтирилган.



Даволашгача Даволашдан 6 ой кейин Даволашдан 12 ой кейин

5-расм. Бемор Ш., 33 ёш 3.7-тишда грануляцияланувчи САП ташхиси билан депофорез усулида даволанган.

Депофорезда бу кўрсаткичлар мос равишда 8 (40%), 9 (45%) ҳолатни, апексфорезда эса – 12 (66,6%) ва 15 (83,3%) га тенг бўлди, шунингдек улар анъанавий даволашдан ишончли ($P < 0,05-0,001$) фарқ қилган.

